



# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№39 (69) 26.09.2019 йил

Халқаро фестивалъ



## “Рақс сеҳри”

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида “Рақс сеҳри” халқаро фестивали ўтказилди. Унинг очилиш маросими Хива шаҳридаги “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасида бўлиб ўтди.

### 20 ГА ЯҚИН МАМЛАКАТДАН 100 ДАН ЗИЁД МЕҲМОНЛАР ТАШРИФ БУЮРДИ

Тантанали маросимдан сўнг барча меҳмонлар ва иштирокчилар “Ичан-қалъа”нинг “Ота дарвоза”сидан ичкарига

ташриф буюришди. Ансамбль жамоаларининг чиқишлари сайёҳлар ва томошабинларни рақсга чорлаб, завқ бағишлади.

— Ўзбекистоннинг ўзига хос рақс санъати бор ва ундаги ҳар бир ҳаракат кишини ўзига жалб этмасдан қолмайди, — дейди ҳиндистонлик раққоса Патра Синхи. — Сизнинг юртингиз ва рақсларингизни телевизор орқали кўрганман. Бугун эса шундай фестивалда қатнашаётганимдан ниҳоятда хурсандман. Рост, миллий рақсларингиз жозибасидан сеҳрланиб қолдик гўё. Фурсатдан фойдаланиб, ҳамроҳларим билан бирга рақсларингизнинг айрим ҳаракатларини ўрганиймиз. Бу ердан олган таассуротларимизни ўз юртимизда яқинларимизга, албатта, сўзлаб берамиз.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

## Миллий театр жамоаси Фарғонада



8-саҳифада

## Ўзбек циркининг фахри Дунёни забт этган чавандоз

Ўзбекистон циркида машҳур чавандоз, собиқ иттифоқ ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Зариповнинг 95 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ва Зариповлар сулоласи иштирокидаги цирк томошалари бўлиб ўтди.

5-саҳифада

## Устоз ва мураббийлар куни Ташаббуслар илҳом бағишлайди

Устозлик санъатининг бир қирраси вояга етиб, ҳаётга йўлланма олган ёшларнинг кейинги тақдирини ўйлаши билан боғлиқдир. Сабаби, виждонли ўқитувчи ўз вазифасини ота-онадек масъулият билан бажаришга ҳаракат қилади.

3-саҳифада



Эълон!

## “Ғалаба боғи” да ёдгорлик мажмуаларини яратиш бўйича ижодий танлов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилда Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида барпо этиладиган “Ғалаба боғи” да ёдгорлик мажмуаларини яратиш бўйича куйидаги:

Тошкент шаҳрида янги ташкил этиладиган “Ғалаба боғи” (кейинги ўринларда Боғ деб аталади) мажмуасининг марказига “Матонат мадҳияси” деб ном олган, Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садақатли келинлари хотирасига атаб ўрнатиладиган ёдгорлик мажмуаси;

Боғ мажмуасидаги музейга кириш қисмида мавзуга оид монументал барельеф;

Боғ ҳудудининг кириш қисмида барпо этиладиган декоратив деворларга маҳобатли паннолар;

Марказида генерал Собир Раҳимов ҳайкали бўлган уруш қаҳрамонлари образи акс этган монументал композиция ва маҳобатли стёлла;

Ленинград қамалидан эвакуация қилинган болалар, қариялар, фан, таълим, адабиёт ва санъат намоёндалари ва бошқа соҳа вакилларига халқимиз томонидан кўрсатилган бағрикенглик мавзуларида яратиладиган мажмуаларнинг энг яхши лойиҳалари учун ижодий танлов эълон қилинади.

Ижодий танлов ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ўзбекистон Бадий ака-



демияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Барпо этилажак мажмуа лойиҳалари буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонати, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган қаҳрамонларимиз номларини абадийлаштириш, ёшларда халқимиз тарихи, маънавияти ва маданияти ҳақида яққол таассурот

уйғотиш, ёш авлод эстетик дидини юксалтириш, тарихимиз ва маданиятимиздан ғурурланиш туйғусини кучайтириш билан бир қаторда, уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик фазилатларини шакллантирувчи бетакрор бадий ечимга эга бўлиши, юксак эстетик талаб даражасида яратилиши ва бадий ғоянинг изчиллигига эга бўлиши керак.

Давоми 2-саҳифада

Донлар сузлайди...

Ҳаётга кўп шогирд бўлдигу хануз, Дунёнинг ишига устод эмасмиз.

Умар Ҳайём

Устозни қанча самимий ҳурмат қилсанг, унинг илмини ҳам шунча тез эгаллайсан.

Сюнь-Цзи

Устод муаллимсиз қолса гар замон, Нодонликдан қора буларди жаҳон.

Абдурахмон Жомий



Янги спектакль

## “Зиё қалъаси”

Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида бўлиб ўтган “Бизнинг театр” мавзусидаги илмий-амалий семинар доирасида “Зиё қалъаси” спектаклининг тақдими бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда “Ҳакимия” тарикатини дунёга ёйган Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари ва Термизий-

лар авлодларининг маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай эътибор ва эътирофга муносиб гўшалардан бири “Қирққиз” қалъасидир. Бу жойда IX асрда “Аёллар академияси” бўлганини исботловчи “Дорулхикма муҳри” топилган. Ушбу муҳр олимларнинг илмий изланишларига асос

бўлди ва қалъада дунёда биринчи қизлар дорулфунуни ташкил қилинганини исботлади. “Зиё қалъаси” спектаклида ҳам аллома Варроқ Термизийнинг қизи, “Аёллар академияси” асосчиси Рухайда бинти Варроқ ал Бўғий ҳаёти акс этади.

Файзулла ТОЙИРОВ



Ташриф



## Маданият вазири Сурхондарёда

24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, Термиз шаҳридаги лойиҳа қиймати 10 млрд 500 млн сўм бўлган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи учун танланган “Тадбиркорлар маркази” МЧЖ биносидан олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Мазкур музей биноси қисқа муддатда тўлиқ фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Б.Сайфуллаев бионинг ички ва ташқи экспозицион лойиҳаси билан танишиб, уни музейшунослик талабларига мослаштириш борасидаги таклиф ва тавсияларни билдирди. Шунингдек, вилоятдаги ягона бўлган ушбу музей ходимларининг билим ва малакасини ошириш, аҳолини музейга қизиқтириш масалалари муҳокама қилинди. Мавжуд камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маданият вазири Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида вилоят мусиқали драма театрида ҳам бўлди ва бу ерда ўтказилаётган “Бизнинг театр” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда иштирок этди.

Тадбир доирасида “Сурхондарё санъат саройи” давлат муассасаси залида театр ижодий фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилди. Унда театр репертуридан ўрин олган спектаклларда фойдаланилаётган либослар, эскизлар, расмларнинг ижодий ишлари, программа ва афишалар, театр ижодий фаолиятига оид китоблар, тарихий сиймолар образларининг кийимлари, “Театр менинг ҳаётимда” мавзусидаги фотосуратлар намоиш этилди. Иштирокчиларга мутахассислар томонидан маълумотлар ҳам берилди.



Анжуманда “Режиссура ва режиссёрларнинг театр ижодий фаолиятида тутган ўрни”, “Театр тарихи ва бугунги фаолияти, театрнинг жамият ҳаётида тутган ўрни”, “Театрда асарлар саҳналаштиришда стенография ечим”, “Устоз-шоғирдлик аъёнлари”, “Театр ижодий фаолиятида драматургиянинг ўрни ва муаммолар” каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ўқитувчи-мураббийлар, талаба ёшлар, маданият бошқармаси мутасаддилари, театр жамоаси иштирокида ўтказилган тадбир сўнгида театр жамоаси томонидан Комил Ҳамроев асари асосида режиссёр Фарход Болтаев саҳналаштирган “Зиё қалъаси” спектакли намоиш қилинди.

Шу кунги маданият вазири Б.Сайфуллаев Термиз ҳайвонот боғига ҳам ташриф буюриб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Термиз ҳайвонот боғининг маъмурий ва ҳўжалик биноларини реконструкция қилиш, шунингдек, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, ҳайвонларга зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлардаги мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича вазира ва кўрсатмалар берилди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

## “Рақс сеҳри”



Миллий рақс санъатимизни дунёга тарғиб қилиш, мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган фестивалда 20 га яқин мамлакатдан 100 дан зиёд меҳмонлар ва бадий жамоалар иштирок этди. Сўзга чиққан мартабали меҳмонлар юртимизда маданият ва санъат, туризм соҳаларига қаратилган эътиборни, иштирокчиларнинг маҳоратини алоҳида таъкидлашди.

Англия, Италия, Франция, Голландия, Россия, Кувейт, Малайзия, Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Польша, Грузия, Озарбайжон, Қозғистон, Туркманистон, Тожикистон каби давлатлар вакиллари қатнашган ушбу халқаро тадбирдан ҳам барча бир олам таассурот олди.

— Мен ушбу халқаро фестивалда иккинчи мартаба қатнашдим, — дейди Асри Диве Хапсари (Индонезия). — Бу галги фестивалга йил давомида катта тайёргарлик кўриб келдим. Ижро дастуридан миллий, замонавий ҳаётда Хоразм рақслари билан уйғунлашган қадимий рақс намуналари жой олган. Бу йилги байрамда иштирокчиларнинг анча кўпайгани фестивалнинг халқаро миқёсда нуфузи янада ошганидан далолат беради.

### РАНГ-БРАНГ ДАСТУР

Фестиваль дастури ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, ундан кўплаб намоиш ва кўргазмалар ҳам ўрин олди. Миллий либослар кўргазмаси фестивалнинг даст-



лабки тадбирларидан бири бўлди. Унда Хоразм вилоятининг бир қатор иқтидорли дизайнерлари ўз либослари коллекциясини намоиш этди.

— Мен “Ўзбегим аёли” деб номланган коллекцияни намоиш қилдим, — дейди урганчлик дизайнер Гулнора Оллоёрова. — Улар асосан миллий матолар ва безакларимиздан фойдаланган ҳолда замонавий кўринишда яратилган. Шунингдек, Хоразм вилоятига хос бўлган аъёнларни давом эттирган ҳолда тикилган ушбу либослар ўрта ва катта ёшдаги аёлларга мўлжалланган. Халқаро фестивалда иштирок этиш учун келган хорижий меҳмонлар менинг ижод ва меҳнат маҳсулимга катта қизиқиш билдирди. Айримларидан буюртмалар ҳам қабул қилдим.

Халқаро фестиваль доирасида анимацион шоулар, саҳналаштирилган томошалар, кўғирчоқ театри, хунармандлар кўргазмаси, миллий таомлар, халқ ўйинлари, тасвирий ва ама-

лий санъат кўргазмалари каби тадбирларга ҳам кенг ўрин берилди. Фестивални томоша қилиш учун келган хорижий ва маҳаллий сайёҳларга юртимиз ноз-неъматларини ўзида жамлаган кўргазмалар, миллий таомларимиз ва Хоразм нонларининг тайёрланиши жараёнларини акс эттирувчи тадбирлар ҳам намоиш этилди.

Шунингдек, стилист ва сартарошлар танлови, миллий халқ ўйинлари бўйича мусобақа, тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси, “Ўзбекистон миллий рақс санъати” фотокўргазмаси ҳамда “Рақс санъатида миллий аъёнларнинг аҳамияти” мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

16 сентябрь куни “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонасининг “Кўхна арк” майдонида гала концерти ташкил қилинди ва халқаро фестивалнинг турли номинациялар бўйича ғолиблари тантанали тақдирланди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

## “Ғалаба боғи”да ёдгорлик мажмуаларини яратиш бўйича ижодий танлов

Танловда ижодий йўналиш бўйича мутахассис ҳайкалтарошлар, монументал санъат ва замонавий шаҳарсозлик соҳаларида ҳайкалларни ўрнатиш бўйича тажрибага эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Лойиҳа эскизларининг танловга тавсия этилган модели кўчириш ва узоқ муддат сақлашга мўлжалланган исталган материалдан тайёрланиши мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ёдгорлик мажмуалари лойиҳалари 2019 йилнинг 20 октябрь кунига қадар ҳайъат аъзолари томонидан қабул қилинади.

Танлов ҳақида тўлиқ маълумотни Ўзбекистон Маданият вазирилик ҳақида Ўзбекистон Бадий академиясининг (madaniyat.uz, art-academy.uz) интернет сайтларидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100029, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй. Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий кўргазмалар дирекцияси, Марказий кўргазмалар зали.

Боғланиш учун телефон рақамлари: (71) 252-26-50, (71) 256-51-45, (71) 256-50-47.



Маданий алоқалар

Тошкентда  
Озарбай-  
жонлик  
меҳмонлар



22 сентябрь куни Озарбайжон Миллий мажлиси депутати, Миллий билимлар академияси профессори, журналист ва шоира Ганира Пашаева бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Шоира Хосият Рустамованинг ташаббуси билан амалга оширилган мазкур учра-

шув чоғида меҳмонлар Озарбайжоннинг Тошкентдаги маданият маркази раҳбари Самир Аббосов, шоирлар — Шамил Содиқ ва Шервоз Хусайн ўғли ҳамроҳлигида пойтахтнинг эътиборга молик жойларида бўлишди, сўнгра Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театрига ташриф бу-

юришди. Театрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, драматург ва адиб Қўчқор Норқобил қаламига мансуб "Айёргина аёллар" спектакли намойиш қилинди. Спектайдан сўнг театр раҳбариятига мазкур пьесанинг озарбайжон тилига таржима қилиниб, чоп этилган китоби тақдим этилди.

Устоз ва мураббийлар куни

## Ташаббуслар илҳом бағишлайди

риш — санъат, тарбия — хунармандлик. Ҳақиқатан ҳам, мураббий ҳам таълим ва тарбия берувчи. Яъни ўқитувчи чинакам санъаткордир, бу санъатнинг негизини таълим, тарбия ва инсоншунослик ташкил қилади.

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида ёшлар жиноятлари билан боғлиқ совок хабарлар кўпайиб кетди. Аслида бу хабарлар ҳар бир ўқитувчининг юрагига найзадек санчилади. Чунки ўқитувчилар ўзи таълим-тарбия бераётган ёшларнинг хато-сию айбини, ютуғини худди ўзиникидек қабул қилади.

Устозлик санъатининг бир қирраси воёга етиб, ҳаётга йўлланма олган ёшларнинг кейинги тақдирини йўлаши билан боғлиқдир. Сабаби, виждонли ўқитувчи ўз вазифасини ота-онадек масъулият билан бажаришга ҳаракат қилади.

Замонамизнинг машҳур файласуфларидан бири, америкалик олим Уилям Макбрайт 2001 йилда "ХI асрда пайдо бўладиган турли бало-қазолардан инсониятни назаримда ўқитувчилар кутқаради, холос" деб таъкидлаган экан.

Ўз касбининг усталари бўлиб етишган кишиларнинг барчаси ўқитувчиларини ёддан чиқаришмайди. Яъни устоз ўз касбининг ҳосиласини йиллар давомида кўради. Хатто ашаддий жиноятчи ҳам ўз ўқитувчисидан кечирим сўраркан.

Негаки устози уни ҳар доим ёмонликдан қайтарган, фақат яхшиликка буюрган.

Кейинги пайтда юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, обрўсини тиклаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалани давлатимиз раҳбарининг ўзи назоратга олгани, ўқитувчилар фаолияти ва ҳаётида ижобий ўзгаришлар бошланганидан мамнунмиз. Бу ташаббуслар, йўлайманки, барча устозларимизга катта илҳом беради. Зеро, ўқитувчилик қадимий санъат ва у ҳамиша шундай бўлиб қолади.

*Мактабга илк бора қўйганда қадам*

*Бизни қарши олар мунис бир инсон.*

*Унинг ҳар каломи дилларга малҳам,*

*Бекиёс буюк зот, қалби ҳам уммон.*

*Онадек меҳрибон устозимиз ул*

*Мурғак қалб чечагин парварши этар.*

*Эзулик йўғрилган ҳар бир сабоғи*

*Бизни омад сари, бахт сари элтар.*

*Муаллим деган сўз олмас тилга,*

*Унга таъзим қилиб этамиз эъзоз.*

*Сизё улашади ҳар битта дилга*

*Сизга минг бор қуллук, меҳрибон устоз!*

**Шоира ЭРНАЗАРОВА,**

**Ўзбекистон давлат консерваторияси**

**хўзуридаги Иқтидорли болалар**

**академик лицейи**

**маънавий-маърифий ишлар бўйича**

**директор ўринбосари**

Халқаро алоқалар



## Долзарб мавзулар муҳокама қилинди

18-19 сентябрь кунлари Тожикистон миллий кутубхонасида МДХга аъзо давлатларнинг маданий ҳамкорлик бўйича кенгаши XXXIV йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев ҳам иштирок этди.



Йиғилишда долзарб мавзулар — МДХ давлатларнинг маданий соҳасида 2021-2025 йилларга мўлжалланган асосий тадбирлари лойиҳаси, ҳамдўстлик мамлакатларида маданият йили яқунлари ва Китоб йилига бағишланган тадбирлар, музейлар фаолияти соҳасидаги ўзаро келишув, 2019 йилда Беларусь Республикасида "Ҳамдўстликнинг маданий пойтахтлари" давлатлараро дастурининг амалга оширилиши ва 2020 йилда ушбу дастурни Қозоғистонда ўтказишга тайёргарлик жараёнлари, МДХ давлатларининг "ART EXPO" Халқаро кўргазмасини ўтказиш, МДХга аъзо давлатлар маданий меросининг виртуал музейини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг таклифи, МДХ давлатларининг Ёшлар маданий форумини ўтказиш ҳақидаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилиб ўтди.

"Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар маданий меросининг виртуал музейини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг таклифи" Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида илгари сурилган эди.



Ўқитувчи ва мураббийлар шахс таълим-тарбиясида мураккаб вазифани ўз зиммасига олган касб эгаларидир. Донишманд Арастуян "Сен учун ота-она азизми ёки устоз?" деб сўрашганда, у "Ҳар иккаласи ҳам, биринчиси мени дунёга келтирди, иккинчиси эса воёга етказди", — деб жавоб берган экан.

Жавобдан маълум бўладики, ота-она фарзанднинг жисмонан воёга етишига, устоз эса маънавий баркамоллигига сабаб бўлади. Шу сабабли ўқитувчи ва мураббийлар ота-она билан баравар эъзозланади.

Ўқитувчи — таълим санъаткори, мураббий эса тарбия зарғари. Билим бе-

Филармония фаолиятинан

## Биргаликда завқ улашиб...



17 сентябрь куни "Туркистон" санъат саройида Сирдарё вилояти ҳудудий филармониясининг "Обод юрт таронаси" деб номланган концерти намойиш этилди. Тадбирда вилоят бўлиминининг ижодий жамоалари ҳамда таниқли хонанда ва созанда-лар меҳмон сифатида иштирок этдилар. Дастурдаги барча куй-қўшиқлар жонли ижрода тингловчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашда филармония ўз тасаруфидоғи вилоятлар ҳудудий бўлимлари фаолиятини ҳам янада ривожлантириш, улар-

нинг репертуарларини миллий асарлар билан бир қаторда жаҳон мусиқаси намуналари билан янада бойитиб бориш, фаолиятини кенг тарғиб қилиш, муҳими, санъатсевар халқимизни мусиқий чиқишлар билан баҳраманд қилишни ўз олдига мақсад қилган. Ўзбекистон давлат филармонияси томонидан тасдиқланган режа асосида ҳудудий филармония жамоалари йилига икки марта Тошкент шаҳридаги нуфузли санъат саройларида ўз концертлари билан қатнашадилар. Бундан мақсад, юртимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган ёш истеъдодли санъаткорларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг катта сахнадаги ҳамда ижро маҳоратларини янада оширишдан иборатдир.



Шундай тадбирлардан бири 9 сентябрь куни бўлиб ўтди. "Туркистон" санъат саройида Тошкент вилояти ҳудудий филармониясининг "Яхшиларга яхши томоша" деб номланган мусиқали-театрлаштирилган концерти намойиш этилди. Октябр ойида ҳам учта ҳудудий филармония жамоалари, жумладан, 8 октябрь куни — Андижон вилояти, 17 октябрда Фарғона вилояти ва 23 октябрь куни Наманган вилоятларининг "Туркистон" саройида мавсум концерт дастурларини намойиш этади.

Давлат филармонияси таркибидоғи ижодий жамоалар билан филармония бўлимлари билан ҳамкорликда республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам концертлар намойиш этиб

келмоқдалар. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат филармонияси хонандалари, созандалари ва раққосаларининг вилоятлар ҳудудий филармония ижодий жамоалари билан ҳамкорликдаги концертлари ҳам уюштириб турилади. Бундан мақсад, вилоятлар ва марказий филармония ижодкорлари учун жуда фойдаланиб ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги ижодий ютуқларга эришишдир. Бу жараёнларда таниқли ижодкорларнинг иштирок этиши, айниқса, вилоятлар аҳолиси ва ёшларга катта завқ бағишлаб келмоқда.

**Абдуваҳоб САХИЕВ,**  
**Ўзбекистон давлат филармонияси**  
**Бош директорининг**  
**биринчи ўринбосари**



«Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!»

### Устоз ва мураббийлар кунига бағишланди

21 сентябрь куни Жиззах вилояти Фориш туманидаги «Сайёд» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида жойлашган 29-умумтаълим мактабида маданият бўлимига қарашли «Боғдон гуллари» фольклор этнографик халқ ансамблининг «Жонажон Ўзбекистоним, ман-

гу бўл омон!» шиори остидаги концерти намойиш этилди. Устоз ва мураббийлар кунига муносабати билан ўтказилган ҳамда мактаб ўқувчилари, уюшмаган ёшлар ва «Эгизбулок» МФЙ аҳолиси иштирок этган мазкур тадбирда ансамбль катнашчилари —

Б.Усмонов, Б.Исмоилов, Ш.Дархонов, Ф.Ҳайдарова, М.Равшановалар ижросидаги Она Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, рақслар йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

**Ш.ҚўНИШЕВ,**  
бўлим бош мутахассиси



«Давра суҳбати»



## Самарқандда хайрия марафони бўлиб ўтади

23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялари агентлигида ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ilk халқаро хайрия марафонига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

2019 йилнинг 1-3 ноябрь кунлари ўтказиладиган ушбу лойиҳанинг асосий мақсади маданият ва санъат объектларининг етарли даражада очиклиги ва инклюзивлиги муаммосига жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ҳамда Ўзбекистонда спорт туризмининг ривожлантиришдан иборат. Маълум қилинишича, 21, 10, 2 километрлик масофаларда режалаштирилаётган марафонда тажрибали спортчилар билан бир қаторда ҳаваскор спортчилар ҳам катнашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси бошчилигида ташкил қилинаётган ушбу тадбирга Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳам Самарқанд вилоят ҳокимлиги бош ҳомий ҳисобланади. Ташкилотчиларнинг айтишича, югуриш хайрия марафони кенг қўламдаги маданий дастур ва эса қоларли тадбирларга бой бўлади. Хусусан, инклюзив мавзуларга бағишланган таълимий тадбирлар, болалар ва катталар учун маъруза ҳамда маҳорат дарслари, спорт ҳақида хужжатли фильм намойиши, маҳаллий эстрада юлдузлари ҳамда Финляндия, Германия, Туркия ва Россиядан ташриф буюрган санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари ташкил этилади.

Марафондан тушган барча маблағлар Тошкент шаҳридаги театрлардан бирида тифлошарҳлар ёрдамида сахна асарлари намойиш этиладиган тажриба лойиҳаси амалга оширилишига йўналтирилади. Бу заиф кўрувчи ва кўзи ожиз томошабинларга сахна асари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

«Отадек азиз, онадек муқаддас»

## Шогирдлар камолига бахшида умр

Нортожи Юсупова Наманган вилояти санъат ва маданият соҳасида ўзининг фидокорона меҳнати билан жонбозлик кўрсата олган ҳамюртларимиздан. Вилоятдаги санъат коллежи директори ва муҳими, ўз касбининг устаси бўлган Нортожи она нафақат салоҳиятли устоз, балки тажрибали раҳбар, шунингдек, меҳрибон она, вафоли ёр сифатида ҳам ҳурмат қозонган. Н.Юсупованинг узоқ йиллик машаққатли меҳнатлари бу йил давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳам юксак эътироф этилди ва юртимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Эндиликда вилоят тарихи ва маданияти музейининг «Мустақиллик» залидаги «Санъат ва маданият соҳасида эришилган ютуқлар» номли экспозициясидан 29 йил давомида санъат мактабини бошқариб, ўз ватанига, халқига фойдаси тегадиган етук кадрларни етказишдек масъулятли вазифани аъло даражада уддалаб келаётган Н.Юсупованинг портрети ҳам жой олди. Шунингдек, бу ерда санъат мактаби талабаларининг эришган ютуқларидан намуналар акс этган экспонатлар жамланмасини бойитиш ишлари амалга оширилмоқда.

Музей жамоаси Нортожи Юсуповани Устоз ва мураббийлар кунига ҳамда давлатимизнинг юксак мукофоти билан муборакбод этиб, келгуси ишларига зафарлар тилайди.

**Хуршидабону УСМОНОВА,**  
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими



«Ўзбекистонда Татаристон маданияти кунлари»

## Дўстона алоқалар янги босқичда

Юртимизда 16-18 сентябрь кунлари Татаристон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтиши ҳақида хабар берган эдик.



тасвирий ва амалий санъат кўргазмасида қардош халқ юрагидан жой олган «Татарнинг меҳмони», «Бешик алласи», «Муҳаббат ҳақида суҳбат», «Миллий диний кўшиқлар», «Тўй тўполони», «Миллий ўйинлар ва рақслар» сингари бир қатор ижод намуналари намойиш этилди. Қозон шаҳрилик расмол Михаил Кузнецовнинг ижодий ишлари, никоҳ маросимлари акс этган тасвирилар, миллий ўзига хослик уфуриб турган картиналар қалбини бир зум ватан соғинчи тарк этмаган қардош миллат вакилларига чинакам завқ берди. Шунингдек, кўргазма доирасида шоир ва ёзувчиларнинг китоблари тақдими, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар ҳам ўтказилди.

Татаристонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари», Термизда бўлиб ўтган бахшичилик, Кўкон шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро ҳунармандчилик фестивалларида фаол иштирок этишди. Ўз санъати билан дунё аҳлига қувонч улашиб келаётган қардош халқ санъаткорларининг «Хотира», «Зебержад», «Квартет», «Жирларим», «Баламишқин», «Чешме» каби миллий ва замонавий куй-қўшиқлари Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрига ташриф буюрган томошабинлар учун ажойиб совға бўлди. Тадбир якунида меҳмонларга китоблар, монографиялар ва қўлёзмалар, миллий куй-қўшиқлар ёзилган махсус дисклар совға қилинди.

Турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган юртимизда кўплаб халқларнинг маданият марказлари фаолият юритади. Жумладан, 1990 йилда пойтахтда Татаристон маданият-маърифат маркази ташкил этилган эди. Марказ вакиллари шу кунга қадар турли маданий тадбирлар, байрам ва кечаларни тақдим этиб келишади. Бу эса татар халқининг анъаналарини, миллий урф-одатларини уларнинг ёш авлод вакиллари етказишда муҳим аҳамият касб этади.

**Достонбек РАХМАТУЛЛАЕВ**

Шу муносабат билан 18 сентябрь куни Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида тантанали концерт бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошчилигида ташкил этилган тантанали тадбирда ижодкорлар, маданият ходимлари, жамоат арбоблари ҳамда ОАВ вакиллари билан бирга узоқ йиллардан буён мамлакатимизда истиқомат қиладиган татар миллатига мансуб аҳоли вакиллари ҳам ташриф буюришди.

Концерт аввалида сўзга чиққанлар икки қардош халқ ўртасидаги мустақим дўстлик алоқалари янги босқичга кўтарилганини, Ўзбекистон илм-фани, маданиятига катта ҳисса қўшган ижодкорлар орасида Рим Гениатуллин, Галия Измайлова, Чингиз Ахмаров сингари кишилар ҳам борлигини фахр билан тилга олишди.

Театр фойесидида ташкил этилган



Халқаро фестивалъ

“Рақс сеҳри”  
ғолиблари

14-16 сентябрь кунлари Хоразм вилояти Хива шаҳрида ўтказилган “Рақс сеҳри” халқаро фестивалида барча вилоятлар ижодий жамоалари фаол иштирок этди.

Қадимий шаҳарга ташриф буюрган йигирмадан ортиқ мамлакат вакиллари ўзларининг ранг-баранг

рақслари, куй-қўшиқлари ҳамда миллий урф-одатлари акс этган бадий чиқишлари билан иштирокчилар ҳамда томошабинларда илиқ таассуротлар қолдиришди. Фестиваль доирасида ўтказилган танловда Навоий вилоятининг “Марварид” халқ рақс ансамбли “Энг мазмунли рақс” но-



минацияси бўйича, Бухоро вилояти Ромитан туманидан борган “Оромитан” ашула ва рақс халқ ансамбли эса “Қадимий ва жозибали рақс гуруҳи” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиблар эсдалик совғалари ҳамда сертификатлар билан тақдирландилар.

Туризм



# Германияликлар НИМА ДЕЙДИ?

Яқинда пойтахтимиз кўрмага кўрк қўшган яна бир ажойиб маскан — “Наврўз” боғи барпо этилди. Давлатимиз раҳбари унинг очилишида иштирок этиб, ўзига хос оригиналликка эга мазкур истироҳат боғи маънавият, маданиятимиздан дарак бериб турган мажмуа Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, “Наврўз”ни тўлиқ айланиб чиққан ҳар қандай сайёҳ бутун Ўзбекистон ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлиши ва унда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё каби вилоятлардаги тарихий жойларни кўриш орзуси туғилиши табиий. Вилоятларимиз номи билан аталган кўчалар, миллий руҳда дид билан ишланган макетлар, хунармандчилик маҳсулотлари расталари, мўъжазгина уй-жойлар, элимизнинг ардоқли инсонлари ҳақидаги маълумотлар нафақат хорижликлар, балки маҳаллий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги туризмни ривожлантириш департаменти томонидан бу масканда хорижликлар иштирокида уюштирилаётган учрашув, давра суҳбатларида янги ланаётган, замонавий тамаддун сари юзланган Ўзбекистон унинг меҳнатсевар, юксак савияли халқи, оқилона сиёсат олиб бораётган давлатимиз раҳбари ҳақида самимий эътирофлар янграмоқда.

Шундай давра суҳбатларидан бири германиялик сайёҳ хотин-қизлар билан бўлди. Боғнинг “Хоразм” кўчасида жойлашган мўъжазгина тамаддиҳонада бир пиёла чой устидаги

дилкаш суҳбат ҳар икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилгани шубҳасиз.

— Ўзбекистонга илк бор келишим, — дейди Германиядаги диний ташкилот вакили, туризм бўйича мутахассис Antxe Lushumaya. — Бу фусункор диёр ҳақида фақат диний бағрикенглик, ислом ривожланган давлат, деган маълумотга эга эдим. Келганимизга энди икки кун бўлди, “Хас-ти имом” мажмуаси, “Чорсу” бозори, Ўзбекистон давлат тарихи музейи, Шаҳидлар майдони ва ниҳоят “Наврўз” боғини томоша қилдик. Ҳали олдинда машҳур шаҳарларга саёҳатимиз бор. Дастлабки тасаввуримизнинг ўзиёқ бу бетакрор диёрга бежиз келмаганимизни кўрсатиб турибди. Аҳолисининг юриш-туриши, муомаласи, кийинишида ўзига хос бетакрор маданиятнинг кўриб турибимиз.

— Мен ҳам шу ташкилотнинг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими раҳбариман, — дейди Bergit Ruyhu. — Хозирги суҳбатдан билдимки, сизларда гендер тенглиги бўйича ишлар яхши йўлга қўйилган экан. Мени айниқса, сизларда қариялар уйлариининг камлиги, ота-оналар кексайганда ҳам фарзандлари ардоғида яшаши чуқур

ҳаяжонга солди. Бизда эркак ва аёл ходимларнинг маошларида фарқ бор. Сизларда эса эркак аёл меҳнати тенг баҳоланар экан.

— Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликлар муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётганидан хабардорман, — дейди Берлиндаги ёдгорликларни муҳофаза қилиш бошқармаси масъул ходими Gizine Sturm. — Бугуннинг ўзидаёқ соҳадаги ишлар яхши йўлга қўйилганини сездик. Ўтмишини, миллий кадриятларини ардоқлайдиган халқдан кўп томонлама иборат олса, ўрганса бўлади. Мenga аёлларга яратилган шароит, имкониятлар, гендер тенглиги бўйича олиб берилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар жуда маъқул бўлди.

Қисқаси, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидаги Германиядан келган сайёҳларга Ўзбекистон, халқимиз ҳаёти ҳақида фахр ва ғурур билан айта оладиган жиҳатларимиз бисёр экани қалбимизни ифтихорга тўлдирди. Суҳбат якунида шўх мусикамизга астойдил завқ билан рақсга тушиб кетган немис аёллари ушбу учрашувдан эсда қоларли таассуротлар олгани шубҳасиз.

С.РИХСИЕВА

Ўзбек циркининг фаҳри

## Дунёни забт ЭТГАН ЧАВАНДОЗ

Ўзбекистон циркида машҳур чавандоз, собиқ иттифок ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Зариповнинг 95 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ва Зариповлар сулоласи иштирокидаги цирк томошалари бўлиб ўтди.

Ҳаким Зарипов отаси, цирк артистлари сулоласининг асосчиси — Қарим Зарипов бошчилигидаги “Ўзбекистон чавандозлари” ансамблида отлик-чавандоз сифатида иш бошлаган. Ўз даврида жаҳон циркининг энг кучли ўнталлигига кирган “Ўзбек цирк жамоаси”ни ташкил этган сулола бошлиғи Қарим Зариповга муносиб ўғил бўла олган Ҳаким Зарипов отасининг ишини давом эттириб, эллик тўрт йил давомида жамоага раҳбарлик қилди. Ҳатто 81 ёшида ҳам циркда от ўйнатиб чавандозлик қилди.



Шу ўринда сулола давомчилари бўлган Улғубек Зарипов (ўғли) 2008 йилда Хитойда ўтказилган халқаро фестивалда “Ўзбек амазонкалари” гуруҳи билан иштирок этиб, чавандозлик санъатини дунёга намойиш этганини таъкидлаш жоиз. Жаҳон аҳлини ҳайратга солган бу бетакрор санъат Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Шундай ноб санъат ижрочиларини тарбиялаган устоз чавандоз бугун 95 ёшга қаршилади. У цирк майдонига оппоқ отда кириб келганида, бутун зал цирк устасини тик турган холда олқишлади.



Шу тобда ҳамманинг дилидан “Шу ёшларга етиб, шундай тетик бўлиб юрайлик” деган орзу-хаёл ўтгани аниқ. Ҳаяжонли лаҳзаларда залга ташриф буюрган Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Озодбек Назарбеков Ҳаким Зариповни кутлуғ ёши билан муборакбод этиб, вазирлик номидан қимматбаҳо совғаларни топширди. Шу билан бирга ўзбек циркининг асосчиси — Зариповлар сулоласининг ҳақли давомчиси, Ўзбекистон циркининг фаҳри Ҳаким Зариповнинг хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон халқ артистлари, хизмат кўрсатган артист унвонларига сазовор бўлган ўғил-қиз, неварачеварлари бобосининг эзгу ишларини муносиб давом эттиришларига ишонч билдирди.

Тантанали тадбирда цирк устасини Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани ҳокимликлари, шу билан бирга, халқимизнинг ардоқли санъаткорлари — Тошкенбоевлар сулоласи вакиллари, моҳир чавандоз Холметовлар гуруҳи, шунингдек, Тожикистон ва Қозғистондан келган касбодуштар, шоғирдлари самимий кутладилар. Цирк аренасини мўъжазлар майдонига айланган моҳир чавандоз, дорбоз, акробат, қизиқчию жонглёрлар — сулола давомчиларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Сайёра ЭШМАТОВА



Театрда янги мавсум

Сахнада – “Бурч” спектакли



17 сентябрь куни Андижон вилояти мусикали драма театри ўзининг навбатдаги 101-мавсуми очилишни катта тантана билан нишонлади. Байрам тadbирига ташриф буюрган санъат ва маданият соҳаси фидойилари театр ижодкорларини янги мавсум билан самимий кутладилар. Очилиш маросимида соҳанинг бўлажак вакиллари —

Андижон санъат мактабининг ёш ўқувчилари ҳам томошабин сифатида иштирок этишди. Тadbирдан сўнг ижодкорлар ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини ўзида акс эттирган “Бурч” спектаклини намойиш этишди.

Шерзод ДЕҲҚОНОВ, группа раҳбари

Кўрик-танлов

Ватан учун яшайлик!

23 сентябрь куни Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 5-болалар мусика ва санъат мактабида “Ватан учун яшайлик!” деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари қатнашган ушбу танловда ватан ҳақидаги кўшиқлар жонли ижрода куйланди.



Тadbирда вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Марҳабохон Сатторова, мусика ва санъат мактаблари раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар иштирок этдилар.

Хакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, танловда 1-ўринга Жалақудук туманидаги 18-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиси Одинахон Абдумухторова ҳамда Марҳамат туманидаги 26-БМСМ қошидаги “Ниҳол” ансамбли;

2-ўринга Марҳамат туманидаги 5-БМСМ ўқувчиси Самандар Алижонов, Улуғнор туманидаги 21-БМСМ ўқувчиси Дадаҳон Эргашев, Булоқбоши туманидаги 14-БМСМ ўқувчиси Дурбек Йўлдошев;

3-ўринга эса Марҳаматдаги 5-БМСМ ўқувчиси Ирода Исмоилова, Андижон туманидан Файзулло Мамашарипов, Андижон шаҳридаги 3-БМСМ ўқувчиси Асилбек Мухторовлар муносиб деб топилди.

Танлов ғолиблари вилоят маданият бошқармасининг диплом ва фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Миллий рақс ижрочилари беллашди

23 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Миллий рақс санъатини ривожлантириш, уни юксак даражага кўтариш ҳамда ўзбек рақсини дунё сахналарига олиб чиқиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур тadbирда вилоятда фаолият олиб бораётган рақс гуруҳлари ва яккахон раққосалар қатнашди.

Танловда иштирок этган 10 дан ортиқ гуруҳ ва яккахон ижрочилар маҳоратини маданият ва санъат йўналишида узоқ йиллар меҳнат қилган Ўзбекистон халқ артистлари — Қодир Мўминов ҳамда Насиба Мадраҳимова каби соҳа фидойиларидан иборат беш кишилик хакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Танлов ғолибларига республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди.

Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” кўрик-танлови республика миқёсида икки босқичда ҳар икки йилда бўлиб ўтади.

Устоз ва мураббийлар куни



Соҳамиз фидойилари

Маматқосим Абдуллаев 2003 йилда Қумқўрғон туман маданият бўлимига руҳбар бўлиб ишга келган пайтда, тизимдаги мусика мактаби, кутубхона, маданият муассасалари алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатар, мавжуд мусика мактабида ҳам биргина синф қолган бўлиб, унда Гулчехра Қурбонова 6 нафар ўқувчига дарс беради. Маматқосим ака ўша йиллар тизимда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган Х.Раҳмонкулов ва М.Менгнаровлар билан юзага келган ҳолат сабабини ўрганиб, мусика мактабига мутахассис ўқитувчиларни ишга тақлиф қилди. Кейин эса маданият бошқармаси бошлиғи Абдурашул Иброҳимов билан маслаҳатлашиб, мусика мактабини тугатиш эмас, аксинча, бу ердаги синфлар сонини бир йил ичида камида 4 тага етказишни режалаштирди. Натижалар тез орада

кўзга кўрина бошлади. Ўша пайтда бўлимнинг моддий-техник базаси жуда ночор аҳволда бўлиб, биргина бинога эга эди. 2004-2006 йиллар давомида иккита хўжалиқнинг маданият ҳозирги кунда Б.Ҳақимов раҳбарлигида вилоятда энг кўзга кўринган нуфузли мусика ва санъат мактабига айланди, мавжуд 8 та маданият уйдан олти таси вилоятда юқори моддий-техник базага эга бўлган маданият марказлари сифатида фаолият олиб бормоқда.

М.Абдуллаев раҳбарлик фаолияти давомида изланувчанлиги, ташаббускорлиги, талабчанлиги, ишбилармонлиги билан жамоанинг ҳурматини қозонди. Унинг бошчилигида туман жамоалари вилоятда ўтказилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ҳамда ом-

мавий тadbирларда фаол қатнашиб келмоқда. Айниқса, ҳомийлик асосида марказий маданият маркази ва филиалларнинг миллий ҳамда замонавий мусика асбоблари, бир неча турдаги сахна либослари жамланмаси билан таъминланишида бу инсоннинг хизмати катта бўлди.

Шахсан М.Абдуллаевнинг ташаббуси билан 2008 йилдан буён туманда 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида “Янги овозлар” кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Шунингдек “Янгиер” маданият маркази қошида пуллик “Ёш рубобчилар” тўғрисида ташкил этилди.

Яратилган шундай имкониятлар эвазига туман ёшлари вилоят ва республикада ўтказилган кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқда. М.Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги Фармони билан таъсис этилган “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил” эсдалик нишони билан, 2011 йили вилоятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда “жеет куне до” спорт турини ривожлантиришда алоҳида қўшган ҳиссаси учун, 2017 йилда эса “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони билан тақдирланган.

Тумандаги барча жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиб, зиммасидаги вазифаларни масъулият билан бажариб келаётган ҳамкасбимиз Маматқосим Абдуллаевни Устоз ва мураббийлар куни билан табриклаб, кейинги фаолиятига ҳам муваффақиятлар тилаймиз!

Сурхондарё вилоят маданият бошқармаси жамоаси

Маданий тadbир

“Баҳодир” тўғри йўлдан боради

19 сентябрь куни Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги мусика ва санъат мактабида театрлаштирилган маданият тadbир ўтказилди.

Дастлаб вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчилари кичик сахна кўринишларини намойиш этдилар. Шундан сўнг вилоят мусикали драма театри ижодкорларининг терроризм ва унинг салбий оқибатлари, ёшларда ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари уйғотиш мақсадида сахналаштирилган “Баҳодир” спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Туман фаоллари, хотин-қизлар кўмитаси, талабалар ва мактаб ўқувчилари иштирок этган кечада Шароф Рашидов ҳаётига оид китоблар ва музей кўргазмалари ҳам ташкил қилинди.

Миржалол ШАЙЗОҚОВ, театр ёш актёри




Тўйдан олдин томоша...

“Айбсиз айбдорлар”

20 сентябрь куни Андижон вилоят ёшлар театрида навбатдаги 31-мавсумнинг очилиши тантанали нишонланди.

Байрамона дастурдан сўнг театр ижодкорлари Марат Асадуллаевнинг “Айбсиз айбдорлар” спектаклини томошабинлар эътиборига ҳавола этишди. Спектаклнинг ўткир сюжетли лавҳалари, аиниқса, турмуш қуриш арафасида турган икки ёш — Анвар билан Адибанинг кейинги тақдири ҳеч қандай бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Тўй олдида йигитнинг бедаво дардга чалинганини билиш барчанинг қалбини ларзага солади.


Ижодий жамоа ушбу спектаклни келгусида бошқа вилоятларда ҳам намойиш қилишни режалаштирди.





Китобхонлик

**“Ўткан кунлар” энди брайль ёзувида**




17 сентябрь куни Хива туман кўзи ожизлар кутубхонасида Абдулла Қодирийнинг янги нашрдан чиққан брайль ёзувидаги “Ўткан кунлар” ҳамда “Меҳробдан чаён” китобларининг илқтақдимоти ўтказилди. Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болаларга ихтисослаштирилган махсус давлат мак-

таб интернати ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбирда кутубхона мудираси Гулчира Эгамбердиева адабнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли маълумотларни сўзлаб берди. **З.АЙТБОЕВА,** Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси кутубхоначиси

Хунармандчилик

# Гулли матолар сири нимада?



Ҳақиқий кўл меҳнати ҳар қандай замонда қадрланган. Айниқса, матога босилган нақшинкор безаклар кўнглига хуш ёқади. Амалий санъатнинг бу кўриниши яратувчидан катта маҳорат талаб этади. Гулли матоларни гул қолипларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳўш, гул қолипи ўзи нима? Амалий санъатда безак нақшни териб яшаш учун ишлатиладиган махсус шаклдаги мослама “гул қолиплар” дейилади. Ўйма гулли қолип ил матога гул бошида ишлатилади. Матога нақш боши ҳозирги кунда унутилаётган касблардан бири бўлса-да, ўз жозибасини йўқотмаган.

Нақш боши жараёнида “қолипкори” деб аталувчи ёғоч қолипдан ҳам фойдаланилади. Унинг икки хил маъноси бор: қолип ёрдамида ясалган безак ва ўзаро кесишган равоқлардан тузилган безак.

Кандакорлик санъати марказларида яратилган буюмларда маҳаллийлик кўзга ташланади. Ундаги нақшлар так-

ролланмаслиги, ҳар бир ишга алоҳида ижод ва дид билан ёндашилгани эътиборга молик. Ушбу касб анчайин майда, кўп меҳнат талаб қиладиган фаолият тури ҳисобланади. Ҳозирги кунда замонавий техника ва технологиялар ривожланиб бораётгани сабабли гул қолиплар асосида яратилган матоларга эҳтиёж бирмунча пасайган. Фақатгина кўл меҳнати қадрлайдиган инсонлар, туристлар ушбу фаолият турининг маҳсулотларига қизиқиш билдиришмоқда.

Гул қолиплар ёрдамида яратилган безакли матода нақшларнинг жойлашуви, сифати, ранглардаги ҳамоҳанглик яратувчининг қайси вилоятдан эканлигини билдиради. Масалан, самарқандлик усталар саёзроқ бўртма ҳосил қилиб, нафис нақшлар яратишга муяссар бўлган. Улар яратган ижод намуналари айнан самарқандлик усталар маҳоратидан дарак беради. Бухоронинг кандакор усталари эса текис, бўртмали, чизма усулидаги гул қолиплар ёрдамида

нақшли матолар яратади. Бухоролик усталардан уста Шоқир (XVIII аср боши), уста Баратбой ва Шоди Мухаммад (XVIII аср охири - XIX аср бошлари) ишлари сақланиб қолган. XIX асрдаги усталар кескин, айна пайтда мулоим рангларга мурожаат қилган. Гул босилган матоларда бөгдаги гўзаллик, гуллар, новдалар ва бошқалар кенг ўрин олган.

Худди шундай гул қолипларнинг айрим турлари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг хазина бўлими этнография фонди хонасида ҳам сақланади. Гул қолиплардан тўртбурчак, ромб шаклидаги, гул сурати акс этган ва яна юлдузсимон безаклилари мавжуд. Сақланаётган гул қолиплар келажак авлодга ушбу касб ҳақида маълумот бера олади.

**Азамат ҒАНИЕВ,** Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг бўлими мудири  
**Шухрат ИСМОНАЛИЕВ,** катта илмий ходим

Тадбир

# “Жаҳолатга қарши маърифат”

Бухоро вилоят мусиқали драма театрида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими ҳамда Ички ишлар бошқармалари, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остидаги театрлаштирилган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг фаол хотин-қизлари, ўқувчи ёшлар иштирок этган тадбирда юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси йўлида яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар, айниқса, жамиятимизда хотин-қизлар фаолигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳусусида тўхталиб ўтилди.



Тадбир давомида маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари М.Пардаева, Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими бошлиги М.Ҳамроев, Бухоро шаҳар ИИО ФМБ бошлиги ўринбосари Д.Жабборовларнинг “Беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгини бегона мафкура, ёт дунёқарашлардан асрайлик”, “Ёшлар тарбиясига бепарволик — миллат тақдирига лоқайдлик”, “Инсонни муҳит, ҳамиша олға интилиш ва мустақкам иродаси тарбиялайди”, “Фарзандларимиз нафақат ишонч тоғимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг хал қилувчи кучидир” мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Тадбир доирасида мавзуга оид расмлар танлови ўтказилди. Иқтидори юқори баҳоланган хотин-қизлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бадий-ҳаваскорлик жамоалари, хушвоз эстрада хонандалари томонидан ижро этилган кўшиқлар даврага байрам шукухини бағишлади.

Шундан сўнг вилоят мусиқали драма театри актёрларининг “Разолат қурбонлари” спектакли намойиш этилди.

Театр фойесидаги маҳаллалар хотин-қизлари кўл меҳнати маҳсули бўлган миллий кўғирчоқлар кўрғазмаси ҳам тадбир иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.



Кўрик-танлов

## Саралаш босқичи бўлиб ўтди

Муқаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилоят саралаш босқичи 21 сентябрь куни Термиз шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

Мазкур танловда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган, санъат ва маданият муассасаларида 2 йил рақс санъати йўналишида фаолият юритган шаҳар ва туманлардаги 100 га яқин раққосалардан саралаб олинган ёш истеъодларнинг 18 нафари иштирок этди.

Таниқли балетмейстер Гулнора Низомова раислигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, 1-ўрин вилоят мусиқали драма театри раққосаси Райҳон Обрахматовога, 2-ўрин Шўрчи туман маданият бўлимидан Мафтуна Сайфуллаевага, 3-ўрин Шеробод тумани маданият бўлимидан Камола Тўрамуродоваларга насиб этди. Ғолиблар кўрик-танловнинг якуний республика босқичига йўлланмани кўлга киритдилар.

## Таъзиянома

Ўзбекистон давлат филармонияси жамоаси филармониянинг Бош директори З.Зайровга бувиси **ТАМАРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Халқаро танлов

## Ўқувчилар фахрли ўринлар соҳиби



Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 5-болалар музика ва санъат мактаби ўқувчилари Россиянинг Саратов вилоятида ўтказилган “Белая ворона” болалар ва ўсмирлар бадиий асарларининг VI кўргазма-танловидида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Жумладан, мактаб ўқувчиси Кумушшиби

Ғофурова “Қўғирчоқ раққос” (“Кукольный танцор”), Эъзова Абдираимова “Театр сахнаси” (“Театральная сцена”), Гавхарой Абдувоҳидова эса “Балиқ билан суҳбат” (“Разговор с рыбой”) асарлари учун 3-даражали диплом билан тақдирландилар.

Шокир НАМОЗОВ

Ташаббус ижроси амалда

## Ёш қитобхонлар беллашуви



Маълумки, Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ёшларнинг санъат ва маданиятга, адабиётга, китобхонликка қизиқишини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Хоразм вилояти Урганч тумани маданият бўлимига қарашли “Коромон” маданият маркази кутубхонасида ўтказилган тадбир ҳам ёш китобхонларга бағишланди. Туман прокуратураси вакили Дилшод Мадримов ва туман ҳокими Фрунзе Шариповлар бошчилигида ўтказилган ушбу кечада кутубхонага ақиндагина олинган “Темур тузуқлари” китобининг тақдими ўтказилди.

Тадбирда китобсевар ўқувчилар ўртасида “Менинг сеvimли асарим” мавзусида беллашув ҳам ўтказилди. Унда болалар ўзлари севиб мутолаа қилган адабиётлар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Беллашувда фаол иштирок этган ўқувчиларга ташкилотчилар томонидан китоблар совға қилинди.

Конференция



## Ўзбекистон-Туркия муносабатларига бағишланди

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Туркия Республикаси билан ҳамкорликдаги “Ўтмишдан ҳозирга қадар Ўзбекистон-Туркия муносабатлари” деб номланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг бир гуруҳ ходимлари ҳам иштирок этишди.

Конференцияда “Ўзбекистон ва Онадўли ўртасидаги тарихий ва маданий алоқалар”, “Ўсмонийлар ва Туркистон муносабатлари”, “Ўзбекистон ва Туркия: сиёсий ва иқтисодий алоқалар” мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Шунингдек, тадбир доирасида “Замонлар оша маданият: Ўзбекистон кўргазмаси ва анжумани” ҳам бўлиб ўтди.

Ижодий сафар



## Миллий театр жамоаси Фарғонада

Ўзбек миллий академик драма театри ижодкорлари 17-20 сентябрь кунлари Фарғона вилоятининг Фарғона туманидаги пахта далаларига ҳашарга боришди.

Ижодий жамоа дастлаб XVIII аср тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси Ҳожаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо қадамжосини зиёрат қилди. Хувайдо илоҳиёт илмининг чуқур билимдони, йирик мутасаввиף шоир сифатида миллий маданиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутди. У тахминан 1704 йили Чимён қишлоғида туғилган, 1781 йилда вафот этган. Зиёратгоҳдаги макбара вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида халқ ҳашари йўли билан бунёд этилган.

Шундан сўнг театр жамоаси пахта далаларига йўл олишди. Фарғоналик пахтакорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари

да кўмаклашишни мақсад қилган актёр-актрисалар белларига этак боғлаб пахта теришга тушганларида, аҳоли вакилларида иборат бир гуруҳ теримчилар ҳам ҳайрон қолишди, ҳам хурсанд бўлишди.

Актёрлар билан бирга туман ҳокими Илҳом Носиров ҳам пахта терди. Теримчилардан ортда қолмасликка ҳаракат қилган ижодий жамоа вакиллари орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторова биринчиликни қўлга киритди ва терган пахтаси учун тазовининг ёнида ҳақ олди.



Тушиқдан сўнг ижодий жамоа ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этди. Шукни санъаткорлар Қирғизистон билан чегарадош ҳудудлар — Логон, Хуршиди Тобон, Вазие, Гулпиён, Машғал қишлоқларида ҳам бўлишди. Оқшом пайти эса беш қишлоқни бирлаштириб турувчи маданият уйида Эркин Хушвақтов асари асосида Марат Азимов сахналаштирган “Қирмизи олма” спектакли намойиш этилди.

Фоторепортаж

## Самарқандда “Оила кuni”



23 сентябрь кuni Самарқанд шаҳридаги “Ёшлик” истироҳат боғида “Оила кuni” байрами нишонланди. Шу муносабат билан бу ерда турли театрлаштирилган шоулар, кўргазмалар, спорт ўйинлари ташкил қилинди. Бу тадбирларнинг барчасида шаҳар аҳолиси оилавий тарзда қатнашди.

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, «Dildod media» МЧЖ

Бош муҳаррир Дилбaҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кuni чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Мухаббат Шарифова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Содикова

Адади - 8380 Буюртма - Г - 927

Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмахонага топшириш вақти - 21.00

Топширилди - 21.00

1 2 3 4 5 6